# БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК!

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТЛАРИ
ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ
ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ ҲАМДА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 86 (2634). | Жума, 1 Май 1964 йил. | Баҳоси 2 тийин.

А. Холиқов чизган расм.

## «ХАЛҚЛАР ЎРТАСИДА ТИНЧЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ УЧУН» ХАЛҚАРО ЛЕНИН МУКОФОТЛАРИ КОМИТЕТИДА

1964 йил 21 апрелда академик Д. В. Скобельцин раислигида «Халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш учун» Халқаро Ленин мукофотлари комитетининг мажлиси бўлди.

Комитет 1963 йилги Халқаро Ленин мукофотлари бериш тўғрисида тушган таклифларни қараб чиқди ва шу масала юзасидан қарор қабул қилди.

Комитетнинг Халқаро Ленин мукофотлари бериш тўғрисидаги қарори қуйида эълон қилинади.

*«ХАЛҚЛАР ЎРТАСИДА ТИНЧЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ УЧУН» ХАЛҚАРО ЛЕНИН МУКОФОТЛАРИ КОМИТЕТИНИНГ ҚАРОРИ*

## 1963 ЙИЛГИ «ХАЛҚЛАР ЎРТАСИДА ТИНЧЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ УЧУН» ХАЛҚАРО ЛЕНИН МУКОФОТЛАРИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Тинчликни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш учун кураш ишидаги кўзга кўринарли хизматлари учун қуйидагиларга «Халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш учун» Халқаро Ленин мукофотлари берилсин:

**Аҳмад Бин БЕЛЛАГА** —жамоат ва давлат арбоби (Жазоир Халқ Демократик Республикаси);

**Долорес ИБАРРУРИГА** —жамоат арбоби ва сиёсий арбоб (Испания);

**Херлуф БИДСТРУПГА** —рассом, жамоат арбоби (Дания).

Москва, 1964 йил 21 апрель.

## СССР МУДОФАА МИНИСТРИНИНГ БУЙРУҒИ

1964 ЙИЛ 1 МАЙ — № 102 — МОСКВА ШАҲРИ.

**Солдат ва матрос, сержант ва старшина ўртоқлар!**

**Офицер, генерал ва адмирал ўртоқлар!**

**Бугун совет халқи ва унинг шавкатли Куролли Кучлари меҳнаткашларнинг халқаро бирдамлик куни, барча мамлакатлар ишчиларининг бирлик ва қардошлик куни бўлган Биринчи майни байрам қиладилар.**

**Бизнинг улуғ Ватанимиз ўзининг қудратли кучлари гуллаб-яшнаган бир пайтда бу байрамни нишонламоқда. Ишчилар синфининг, колхозчи деҳқонларнинг ва интеллигенциянинг қаҳрамонона меҳнати билан коммунистик қурилишнинг улуғвор программаси муваффақиятли суратда амалга оширилмоқда. Барча совет кишилари КПСС Марказий Комитети декабрь ва февраль Пленумларининг химия саноатини жадал ривожлантириш ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини интенсивлаш тўғрисидаги қарорларини муваффақиятли бажариш учун актив кураш олиб бормоқдалар. Партия белгилаб берган тадбирларнинг амалга оширилиши социалистик экономикани янада юксалтиришни таъминлайди, совет халқининг турмуш даражасини янада кўтаради.**

**Социалистик ҳамдўстликдаги мамлакатлар Совет Иттифоқи билан биргаликда социализм ва коммунизм қуриш йўлидан шахдам қадамлар билан бормоқдалар. Тинчлик, демократия ва социализм кучлари ўсмоқда ва мустаҳкамланмоқда.**

**Коммунистик партия ва унинг ленинчи Марказий Комитети жаҳон социалистик системасининг, халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг монолит бирлигини мустаҳкамлаш тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилмоқдалар.**

**Коммунистик партия Совет Иттифоқи халқларининг туб ҳаётий манфаатларини ифода этиб, турли социал тузумдаги давлатларнинг тинчтотув яшашидан иборат ленинча сиёсатни изчиллик ва сабот билан ўтказиб келмоқда, жаҳонни термоядро уруши хавфидан қутқазиб қолиш учун ҳамма чораларни кўрмоқда.**

**Коммунистик партия ва Совет ҳукумати Ватанимизнинг ва бошқа социалистик мамлакатларнинг хавфсизлиги манфаатларини ҳўзлаб, мамлакатнинг мудофаа қобилиятини, Куролли Кучларнинг жанговар қудратини тинмай мустаҳкамламоқдалар. Империалист агрессорлар эс-ҳушини йўқотиб, Совет Иттифоқига ва қардош социалистик мамлакатларга қарши уруш очишга журъат этадиган бўлсалар, улар бу урушда муқаррар тўла маглубиятга учрайдилар.**

**Армия ва флот жангчилари!**

**Сизларни 1 Май байрами билан табриклайман ва қутлайман, ҳарбий ҳамда сиёсий тайёргарлик соҳасида янги муваффақиятлар тилайман. Ҳарбий техника ва қуролни қунт билан ўрганингиз, ҳарбий маҳоратингизни тинмай такомиллаштирингиз, ўз сафларингизда интизом ва ҳушёқлиқни мустаҳкамланг. Ўз хизматингизни серганлик билан адо қилинг. Ватан олдидаги муқаддас бурчингизни муносиб ва шараф билан бажаринг.**

**Меҳнаткашларнинг халқаро байрамини нишонлаш учун БУЮРАМАН:**

**Бугун, 1 Майда Ватанимизнинг пойтахти Москвада, иттифоқчи республикаларнинг пойтахтларида ва қаҳрамон шаҳарларда тўпладан бир йўла йигирма марта ўқ узиб, салют берилсин.**

**Яшасин меҳнаткашларнинг халқаро бирдамлик куни, барча мамлакатлар ишчиларининг бирлик ва қардошлик куни — 1 Май!**

**Қаҳрамон совет халқига ва унинг шавкатли Куролли Кучларига шон-шарафлар!**

**Яшасин совет халқи жаҳонгирлик тарихий ғалабаларининг ташкилотчиси ва ташкилотчиси — Коммунистик партия!**

СССР мудофаа министри
Совет Иттифоқи Маршали Р. МАЛИНОВСКИЙ.

Аҳмад Бин БЕЛЛА

Долорес ИБАРРУРИ

Херлуф БИДСТРУП

## ОҚ ЙЎЛ, ЖАЗОИРЛИК АЗИЗ ДЎСТЛАР

### АҲМАД БИН БЕЛЛА ТОШКЕНТДАН ЖЎНАБ КЕТДИ

Республика пойтахти меҳнаткашларининг неча юзлаб вакиллари 30 апрель кечқурун жазоирлик азиз меҳмонларни Москвага узатиб қолиш учун аэропортга келдилар.

Тантанали узатиш маросимига оз вақт қолди. Меҳмонлар тушган машиналар кортежи ҳам етиб келди. Аҳмад Бин Белла ва унинг йўлдошлари билан бирга аэродромга КПСС Марказий Комитети Президиуми аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, КПСС Марказий Комитети Ўрта Осиё Бюросининг раиси В. Г. Ломоносов, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ё. С. Насриддинова, республика Министрлар Советининг Раиси Р. Қурбонов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари ва ташқи ишлар министри С. О. Азимовлар келишди.

(Давоми 4-бетда).

## УЛУҒ АЙЁМ

*Бу тонг сизни эрта уйғотди. Дилингизда байрам қувончи, лабингизда илиқ табассум-у, чеҳрангизда баҳор жилваси. Атрофга, соҳиб жамол юртимизга хушнуд боқасиз. Табиат ҳам сизнинг кўнглингиздаги ажиб ҳиссиётларга ҳамоҳанг. Фасллар келинчаги — баҳор она юртимизга анвойи сепларини ёзиб ташлаган. Қаерга боқманг, кўклам манзараси, гул манзараси.*

*Бугун шу баҳор гулларини ўстирган, шавкатли меҳнати билан коммунизмни яқинлаштираётган миллионлаб ватандошларингиз традицион Қизил Майдонлардан ўтишади. Социализм дунёси баркамол жамолини жаҳонга кўз-кўз қилади. Реакция қурбонлари,, капитал тутқинлари империализм ва мустамлакачиликка қарши, тинчлик, демократия, миллий мустақиллик ва социализм байроғини баланд кўтаришади. Бугун коммунизм асри симфонияси янграйдиган, капитал бандалари титрайдиган кун.*

*— Яшасин, меҳнаткашларнинг халқаро бирдамлик куни, барча мамлакат ишчиларининг бирдамлик ва қардошлик куни —1-Май!*

*Бугун ер юзи бўйлаб ана шу оташин сўзларнинг акс садоси янграйди, тиллар билан диллар бирлик ва қардошликни, тинчлик ва тенгликни, дўстлик ва ҳамкорликни такрорлайди.*

*Тошкентимизнинг Ленин номидаги Қизил майдони бугун ўз меҳнати ва ижоди, билими ва тажрибаси, мақсади ва иштиёқи билан коммунизм қураётган ўзбек элининг, пойтахт меҳнаткашларининг чеки йўқ қувончига тўлиб тошади, машинасозлар ва винокорлар, металлургчилар ва катта химия саноатларидаги, энергетиклар ва газчилар, кончилар ва тўқимачилар... Қишлоқ хўжалигини интенсивлаш жиловини маҳкам тутган пахтакор ва ғўзачилар, ипакчи ва чорвадорлар, маккажўхорикор ва лубкорлар, ғаллакорлар ва сабзавотчилар... Булар ўз баракали меҳнатлари билан бутун совет кишилари қатори ер юзида барча халқлар учун Тинчлик, Меҳнат, Озодлик, Тенглик, Қардошлик ва Бахт-саодатни барқарор қилувчи коммунизмни улуғлаётган баходирлардир.*

*Улар байрамга меҳнат зафари билан, арзигулик тўёна билан келишди. Индустриал Тошкентнинг пешқадам завод ва фабрикалари, Чирчиқ химиклари, Олмалиқ металлургчилари, Оҳангарон кончилари, Бекобод цементчилари, Янгийўл пойафзалчилари, коммунизм мўл-кўллиги дастурхонига беҳисоб моддий неъматларни армуғон этишди. Ишнинг кўзини билан колхоз ва совхозлар ерга чиқиш қадаб бўлганликлари тўғрисида рапорт бердилар.*

*Халқимиз коммунизмнинг моддий-техника базасини тезроқ яратиш йўлида жон қуйдириб меҳнат қилмоқда. Бутун мамлакат, партия ва халқ коммунистик меҳнат коллективлари ва зарбдорлари, ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторларга шон-шарафлар йўлладди, байрам муборак дейди, ян ги ғалабаларга чорладди.*

*Бугун байрамда намойиш қилинадиган ютуқ ва зафарларнинг ҳаммаси Совет Иттифоқи Коммунистик партияси раҳбарлигида ленинча ўлмас ғояларни амалга ошириш самарасидир. Партиямиз Марказий Комитети Ленин ғояларини амалий ишда ижодий қўлланиб, келажакка олиб борадиган йўлни дадил ва комил ишонч билан очиб бермоқда. Шу туфайли олга қараб, коммунизмнинг нурли чўққилари сари қилаётган ҳаракатимизнинг истиқболларини равшан кўриб турибмиз. Халқимиз гениал Ленин, жонажон партиямиз кўрсатиб берган тўғри йўлдан бормоқда. Бу йўл — тинчлик ва фаровонлик йўлидир, халқаро ишчилар синфининг фарзанди — жаҳон социалистик системасини мустаҳкамлаш йўлидир, ер юзидаги ҳамма халқлар билан дўстлик ва ҳамкорлик йўлидир, халқаро коммунистик ҳаракатнинг бирлиги ва жипслигини таъминлаш йўлидир, абадий барҳаёт таълимот—марксизм-ленинизмнинг тантанаси ва софлиги учун кураш йўлидир.*

*Ўтган ўн йил барча совет кишилари партиянинг ғояларини, унинг ички ва ташқи сиёсатдаги барча ташаббуси ҳамда режаларини маъқуллаб, актив қўллаб-қувватлаганликларининг зўр тасдиқи бўлди.*

*— Яшасин партия билан халқнинг бузилмас бирлиги!*

*— Яшасин Ленин тутган шонли Совет Иттифоқи Коммунистик партияси!*

*Она юртимизда 1 Май байрами... Озод меҳнат, дўстлик байрами бу. Навқиронлик, ғўзалик байрами бу. У халқимизга шодуҳуррамлик, файзу бардамлик олиб келди.*

*Партиямиз раҳнамолиги, халқимиз қудрати, ақлу-заковати билан ҳаётимиз янада гуркирайберсин, коммунизмнинг ёркин йўлларида зафарлар кетидан зафар қучаверайлик!*

## ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ XIII ПЛЕНУМИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

**Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети 1964 йил 26 майда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XIII пленумини чақиришга қарор қилди.**

**Пленумда қуйидаги масалаларни қараб чиқишга қарор қилинди:**

**1. Меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш ишларини янада кучайтириш тадбирлари тўғрисида. Бу масала юзасидан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидов докладчи этиб тасдиқланди.**

**2. Қурилиш ташкилотлари коллективларининг 1964 йилга қабул қилган социалистик мажбуриятлари қандай бажарилаётганлиги тўғрисида. Бу масала юзасидан «Узглавстрой» бошлиғи ўртоқ А. К. Каримовнинг, «Главташкентстрой» бошлиғи ўртоқ П. М. Репининнинг, Ўзбекистон ССР сув хўжалик министри ўртоқ В. А. Билбасинг, «Голодностепстрой» бошлиғи ўртоқ Э. Н. Низомовнинг ва «Узглавколхозстрой» бошлиғи ўртоқ С. А. Омеровнинг докладлари тинглана ди.**

# САЛОМ МАЙ, САЛОМ БАҲОР БАЙРАМИ,

Мақсуд ШАЙХЗОДА.

## ТОШКЕНТЛИНИНГ ГУЛГУН БАҲОРИ

«ТОШКЕНТ ЭЛЛАРИ — БАҲОРИ ЭЛЛАР»

*(ХАЛҚ ТЕРМАЛАРИДАН)*

Азалдан шундай бўлиб қолганки, бизнинг жануб тупроқлари, шу жумладан пойтахтимиз ери ва унинг шифобахш вилояти гўё осмоннинг мангу машъали бўлмиш офтоб билан аҳду паймон қилгандай ҳамиша йўлдош бўлиб келдилар. Аммо бу кўклам диёри, деярлик йил бўйи қуёшни ўз қўйнида олиб юрган бу ўлка бизнинг коммунизм давримиздагина ўз тупроғининг, сувининг, ҳароратининг ва ҳавосининг баракасидан баҳраманд бўлмоқда.

Албатта кўнгли тўқ, қалби эркин, фикри равшан, ҳаёти сермазмун бўлган кишигина баҳорнинг ҳуснини, чаманларнинг гаштини, самоватнинг мусаффо жилосини, юлдузларнинг табассумини, ирмоқларнинг нағмасини, шаббадаларнинг тилини ҳузур ва ҳаловат билан фаҳмлаб олади. Бундай кишилар, бизнинг совет граждан лари, серқуёш элларнинг фарзандлари, бизнинг тошкентли ҳамшаҳарларимиз, тошкентли вилоятдошларимиздир.

Биз, жамият ва табиатдаги барча ҳодисаларнинг туб сабаблари бор деган қаноатда бўлганимиз учун тасодифларга ишонмаймиз, албатта! Лекин яхши воқеаларнинг, ташқи қарашда, гўё бири-бирига боғланмаганлари ҳолда, айни вақт ичида юз беришини кўрганимизда мамнун ва дилшод бўламиз. Апрель ойида қаторма-қатор бўлиб ўтган кувончли байрамлар ва тантаналар барча прогрессив кишилар қаторида тошкентликни ҳам ўзига жалб этди. Биз, 17 апрелда замонамизнинг ажойиб донишманд кишиси, эл ғамхўри, чинакам ва изчил ленинчи, ҳукуматимиз бошлиғи, партиямиз раҳбари Никита Сергеевичнинг ёши етмишга тўлишини зўр кувонч билан қайд этиб ўтдик. Ахир ҳар бир совет гражданига ошкордирки, мамлакатимиздаги иқтисодий тараққиёт учун, халқ хўжалигидаги буюк ютуқлар учун, фан ва техниканинг ўсиши учун, фазо йўлларидаги сайру саёҳатларимиз учун, адолатли Совет қонуниятининг тантанаси учун, ўтмишдаги ноҳақликларга барҳам берилганлиги учун, тинчлик ғояси нинг ғалабалари учун, халқлар ўртасидаги дўстликнинг мустаҳкамланганлиги учун, уруш хатарининг қонли панжаси кишанланганлиги учун ҳаммамиз ва ҳаммамиз азиз Никита Сергеевичнинг ташаббуск о р ғайратига ва у етакчилик қилаётган Ленин партиясининг олижаноб ишларига миннатдормиз. Биз билан бирга бутун ақли расо ҳам виждони соф жаҳон аҳли бу шарафли ҳодисага қўшилдилар.

Апрелнинг шу кувноқ кунига тошкентли ҳам ўзининг «ҳа, балли» деган нидосини қўшиб юборди.

Тошкентлининг дилидаги кувонч ҳавоси шу билан тамом бўлмади. 22 апрелда Ер курраси нинг бутун меҳнаткашлар олами билан биргаликда биз улуғ устозимиз Владимир Ильичнинг туғилган кунини тўйладик. Биз ҳаётимизнинг мазмуни ва саодати, инсониятнинг иқболи ва нажоти Ленин қолдириб кетган таълимот асосида ҳал бўлаётганини ҳар соат, ҳар дақиқа кўриб келаётганимиз учун Владимир Ильични ҳамиша тирик муаллим ва меҳрибон мурабби сифатида ақлимизда, қалбимизда ва меҳнатимизда олқиб келдик. Ленининг туғилган кунини, шу равшан апрель кундузини олқишламоқ, — коммунизмни, Коммунистик партияни, ҳаётни ва инсонлигни қутламоқ демакдир. Биз биламизки:

...Ҳақсизликни ўчириб
ташлаб,
Юртни қизил уфққа бошлаб,
Коммунистлар қилди
жонбозлик,
Эрк йўлида мардлик,
шоввозлик.
Туркистонни чорлади Ленин:
— Мусулмонлар, қалқинг,
юксалинг!
Қилдик зулм қалъасин
хароб.
Эркингизга соқчи
Иҳқилоб!—

Биз биламизки, бу оловли даъватга жавобан:

...Туркистонда қаҳрамон
Тошкент
Советларнинг бўлди
қалъаси,
Ҳақ ўрнатиб ҳар томон
Тошкент
Адолатнинг келди палласи

Тошкентлининг дилидаги байрам силсиласи давом этаберди. 24 апрелда пойтахтимиз, бутун маданиятсевар инсонят билан баробар гениал драматург ва шоир Вильям Шекспирнинг таваллудига 400 йил тўлишини тантанали суратда қайд қилди. Бу байрамлар силсиласида ўзига яраша бир ҳикмат бор. Зероки, Ленин даҳосининг шарофатидан файзёб бўлган эркин халқларгина бутун башар маданиятининг чўққиларини эгаллашга, юз йиллар давомида яратилган маънавий ва фикрий ҳазиналарни ўзлаштириб олишга қодирдир.

Тошкентлининг байрамлари шулар билан ado бўлмади. Бу шаҳарда ўн кун давомида Совет музикасининг анжумани бўлиб ўтди. Ашула, ўйин, рақс, тарона ва қўшиқларнинг мафтунин бўлган бизнинг ҳамшаҳарлар юксак, ўйноқи, оқилона ва ҳаяжонли музикаларни миригиб тинглаб боши осмонда, оёқлари Тошкент чаманзорларида бўлгани ҳолда бахтиёр ва мағрур кунлар кечирди.

Шаҳримиз ва вилоятимиз кишиларининг маънавий хурсандчилиги қуриқ ва тагсиз хушчақчақлик эмас, балки моддий ва иқтисодий пойдевори мустаҳкамланган, фаровонлик ва бойлик соҳаларида Ватан ганжинасига катта ҳиссалар қўшаётган инсонларнинг ҳар томонлама дабдабасидир. Чунончи, шаҳаримиздаги қанча-қанча корхоналар, вилоятимиздаги талай колхоз ва совхозлар ўз планларини ва аҳдларини вақтидан олдин бажаргандиклари бунинг ёққол далилидир.

Мен бу сатрларни ёзаётган маҳалимда баҳорнинг баракали қуёши остида область қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари экин ишларини қизитиб юбориб улуғ Май байрамини янги ғалабалар билан кутиб олишга шайланмоқдалар.

Шу лаҳзада иккинчи бир ҳодиса ҳам шаҳримиз ва бутун республикамиз диққатини ўзига жалб этмоқда. Африканинг шимол соҳилларида социализм қураётган қардош Жазойир халқининг мард йўлбошчиси Аҳмад Бин Белла юртимизга меҳмон бўлиб келди. Бу зиёрат ҳақиқатан тарихий бир воқеа бўлди. Чунки, социализм идеалларининг, Ленин ғояларининг жаҳон бўйлаб ғолибона қадамлаб бораётганидан дарак беради. Шаҳримиз халқининг шу азиз меҳмонни буюк қувонч билан пешвоз қилиши ва ҳақиқий дўстимиз Жазоир президентининг нутқларидаги ташаккур кайфиятлари бу ҳақиқатнинг жонли ифодасидир.

...Қўшиқчилар ўлкаси
Тошкент,
Сулҳни қилар қўшиқчи
хоҳиш.
Меҳмонлар, сиз — юрак
қўнағи,
Хуш келибсиз уйимизга сиз.
Ортсин дўстлар сони —
саноғи.
Жанг балосин ҳеч
кўрмагайсиз!
Сизга берган гулдасталарда
Анқир меҳмондўстликнинг
атри,
Қалби-дили пайвасталарда
Кам бўлмайди меҳрнинг
қадри!...
...Яшасин гул, яшасин
кулги!
Яшнаб турсин шундай бир
яхшилик,
Унинг номи бўлгай ёвлик —
ваҳшийлик!
Курашларда сафлар
зичлиги!
Шунда эллар, диллар
тинчлиги!...

Анвар Тошпўлатов бошлиқ коммунистик меҳнат бригадаси аъзолари В. И. Ленин номли Бекобод металлургия заводида машъал бўлиб порламоқдалар. 1 Май шарафига бошланган социалистик мусо бақага қўшилган бу азаматлар улуғ айёмни меҳнатда улкан ғалабалар билан кутиб олишди. Суратда: бригада бошлиғи А. Тошпўлатов (чапдан), ёрдамчи пўлат қуювчи А. Кондрашов ва корхона қуюв цехининг пешқадам машинисти М. Боборахимов ўртоқларни кўриб турибсиз.

Х. Лутфуллаев фотоси.

## ХАЛҚ СОҒЛИГИ—ЮРТ БОЙЛИГИ

*Ҳа, бугун баҳор байрами.—Тўйга тўёна билан келиш элимиз одати. Шунга кўра пойтахт соғлиқни сақлаш ходимлари ҳам сўлим баҳор байрамига катта тараддуд кўрдилар.*

*Сизга айтсам, медицина ходимларининг байрамга ҳозирлаган тортиқлари кўп. Аввало, Шопазиқулоқ массивида янги очилган 6-поликлиника ҳақида айтиб ўтай. Аввал массивда 28-амбулатория мавжуд эди. Беморларга янада намунали медицина хизмати кўрсатиш мақсадида ана шу амбулатория кенгайтирилиб, поликлиникага айлантирилди. Эндиликда бу ерда бир неча бўлим мавжуд. Шунингдек, поликлиникага тажрибали медицина ходимлари жалб этилди.*

*Баҳор байрами арафасида пойтахтнинг Новомосковская кўчасида яна бир катта поликлиника ишга туширилди. Биринчи Майдан бошлаб поликлиника беморларни қабул қилабошлайди.*

*Пойтахтнинг Собир Раҳимов кўчасидаги 9-поликлиника ҳам аҳолига намунали медицина хизмати кўрсатмоқда. Буни, таклифлар дафтарчасига ёзиб қолдирилаётган миннатдорчилик хатларидан ҳам билиб олиш мумкин. Лекин мазкур поликлиника тор эди. Шунинг учун ҳам уни кенгайтиришга қарор қилинган эди. 1 Май арафасида бу медицина даргоҳига янги хоналар қўшилди. Янги кабинетлар ташкил топди. Шунингдек, поликлиника ўзининг янги филиалига ҳам эга бўлди.*

*10-шаҳар касалхонасида даволашнинг турли илғор методларидан кенг фойдаланилмоқда. Эндиликда бу касалхона илғор тажрибаларни оммалаштиришнинг чинакам маркази бўлиб қолди. Ҳозирги кунда бу ерда эндокринология бўлими очиб тарадоддий кўрилмоқда. Бу янги бўлим май ойида иш бошлайди. 15-шаҳар касалхонаси ҳузурида эса кардиология бўлими очилади. Шунингдек, Эскизувада янги туғруқхона қад кўтармоқда. Бу туғруқхона ҳам май ойида фойдаланишга топширилади.*

*Бизнинг касби-коримиз шифокорлик. Ҳа, биз инсон саломатлигининг посбонлари деган фахрли ном эгаламиз. «Медицина ходимлари!—дейилади КПСС Марказий Комитетининг Май Чақириқларида.—Меҳнаткашларга хизмат кўрсатишни яхшилангиз! Медицина фанининг энг янги муваффақиятларини практикага жорий қилингиз!»*

*Партиямизнинг илҳомбахш Чақириқлари медицина ходимларининг ҳам ғайратига-ғайрат қўшиб юборди. Пойтахт медицина ходимлари бундан кейин ҳам аҳоли сиҳат-саломатлиги йўлида ҳор-май-толмай меҳнат қиладилар.*

Т. САИДОВ,
Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бўлимининг старший инспектори.

## ОНА ҚЎЛЛАРИ

Ҳабиба опанинг довруғини бундан тўрт йил аввал—Ленин ордени билан мукофотланган куни эшитгандим. Лекин тасодифни қарангки, унинг ўзини кўришдан олдин ўғли билан танишиб қолдим. Бу ўтган йил кузда — октябрнинг салқин кечаларидан бирида бўлди.

...Сирдарёнинг шундоққина соҳилига жойлашган совхозга хашарга чиққандик. Студентлар ажойиб халқ бўлади. Кун бўйи пахта теріб чарчашса ҳам, кечқурун гулхан ёқиб ўйин-кулгу қилишди. Гулхан чирсиллаб ёнар, давра қуриб ўтирган йигит-қизларнинг сояси титраб-титраб, зулмат қўйнига чекинарди. Рубобнинг янгроқ садолари олисолисларга парвоз этиб, сукунат бағрида эриб кетади. Давранинг бир чеккасида кирза этикларини чалиштириб, чордона қуриб ўтирган йигит — Баҳром билан шу ерда танишдик.

Икковлашиб дарё бўйига чиқиб кетдик. Нариги соҳилдаги қамишзор орасидан олтин ҳалқадай қизғиш ой чиқди. Симобдай тўлганиб оқаётган дарё қамишзорга ҳамоҳанг шовуллай бошлади. Баҳром сариқ телогрейкасини ечиб қовжирай бошлаган кўкатлар устига ташлади-ю, тирсаги билан ёнбошлади. У қишлоқ хўжалик институтининг агрохимия факультетида ўқиркан. Ҳашарга келишганига бир ойдан ошибди.

— Ҳали жуда қизиқ воқеа бўлди, — деди у жилмайиб, — Биринчи курсда Анзират деган позиккина қиз бор. Ишдан келсан, эшик олдида йиғлаб ўтирибди. «Нима бўлди?» десак. «ойимни соғиниб кетяпман» дейди, — Баҳром ўз гапидан ўзи таъсирланиб кулиб қўйди. Аммо бир лаҳзадаёқ чеҳрасида табассум излари йўқолиб, кўзларига ўйчанлик чўкди. Дарёга ҳомуш тикилиб қолди.

— Очиғини айтсам, мен ҳам ойимни соғиндим, рост, жуда соғиндим. Пахтага келадиган кунимиз ойим билан хайрлашолмай қолган эдим. Уйга келсам йўқ экан: эрталаб ишга кетибди. Заводга шунчалик ўрганиб кетганки, муддати етган - бўлса ҳам пенсияга чиқишни хоҳламайди. «Нима энди, уйда зерикиб ўтирамани?» дейди. Ишхонадагилар ҳам унга суяниб қолишган: бир кун бормай қолса уйга қидириб келишади... Завод шундоққина ёнимизда — бир чақирим ҳам келмайди. Шошапшша ўшаёққа бардим. Партия ташкилотининг секретари Нина Борисовна Иванова деган аёл бор. Бизникига кўп келади. Тўғри бориб шунга учрашдим. Икковлашиб ойим ишлайдиган лак-бўёқ цехига кирдик. Бу ерга аввал ҳам бир неча марта келган эдим. Биринчи марта қирқ саккизинчи йили ойимнинг кетидан заводга эргашиб кирганим ҳеч эсимдан чиқмайди. Ўшанда эндигина мактабга қадам қўйган ёш бола эдим. Янги цех қуришаётган экан. Ойимнинг замбиллаб гишт ташиганини томоша қилганим ўшанда. Хуллас улар заводни ўз қўли билан қуриб, ўз қўли билан ишга туширишган...

...Баҳром ўша хотираларни аниқроқ жонлантирмоқчи бўлгандек, кўзларини қисиб дарёга тикилди. Салқин куз шабадаси қамишзор орқасидан ўрдакларнинг ғақ-ғуқ этган товушини олиб келди. Яқингина жойда чирилдоқ наъмасини бошлади. Баҳром кулранг кепкасини ечиб уёқ-буёғини айлантириб томоша қилди.

— Хуллас ойим ишлайдиган бўёқ аппарати ёнига келдик. Ўзи инженер бўлмаса ҳам бу ерлари майлачуйда иш жараёнларининг ипидан игнасигача биларди. Бўёқнинг тўрт навли бўлишидан тортиб, аввал электр қозонларида қайнатилиши, фильтрдан ўтиб, темир қувурчалардан махсус бидонларга қуйилишигача — ҳаммасини гапириб берган.

...Ҳовлиқиб кирганим ҳам бир бўлди-ю, ойимни тополмаганим ҳам бир бўлди. Унинг ўрнида шогирди Халича Богатова ишлаб турган экан. Сўрасам, «Ҳабиба опам ҳозиргина марказий лабораториянга бўёқларнинг сифатини текширгани кетдилар» деди. Аммо бу ерда ҳам уни тополмадик. Лаборатория мудири Нафиса Хонхўжаева ойимнинг цистерналарга бўёқ қуяётганлар олдига кетганини айтди. Бу участка заводнинг энг чекмасида. Бориб келай десам, автобусдан қолиб кетаман. Хуллас Нина Борисовнага узримни айтиб, уйга югурдим.

...Баҳром яна жим қолди. Ой борган сайин кичрайиб, аммо ёрқинлашиб ҳаволаб кетди. Суҳбатдошим аччагача индамай ўтирди-да, қўйин чўнтагидан сурат олиб узатди.

— Шу суратни доим ёнимда олиб юраман. Нега шундай қилаётганимни ўзим ҳам билмайман-у, лекин ҳеч қаерга ишонмайман.

Суратга тикилдим. Уч қиз парашютнинг ипак арқоларини тортиб жилмайиб турарди. Ой нурида сурат орқасидаги хира ёзувни ўқидим. «Ҳабиба Умарова; Оқило Отауллаева, Бибинисо Боттаева. 1935 йил, август». Сўрадим: «Ҳабиба опам ҳозирги кунларда қаерда ишлайдилар?» Ҳеч ким ҳеч нарсани ўйлаб ўтирмасдан, «Ҳабиба опа Ташкент вилоятидаги Ленинобод шаҳридаги 10-ер ости шахтасида ишлайдилар, ҳозирги кунларда ер ости шахтасининг ишини ташкиллаштирмоқдалар, ишлаб чиқаришнинг ҳаракатини ошириш учун ҳаракат қил

# СЕНИ ҚУТЛАР БАШАРИЯТ ОЛАМИ

Тўйга тўёна билан келиш ўзбекнинг қадим яхши одати. Бугунги улуғ айёмга, бирдамлик, дўстлик байрами 1 Май кунига барча халқимиз ўз тўёнаси, меҳнат ғалабаси билан кириб келди. Сиз суратда кўриб турган ана шу азамат дала капитанлари—Янгийўлдаги Свердлов номли колхознинг бригада бошлиғи Тўра ЖУРАЕВ ва тракторчи Алим НУРИДДИНОВ ўртоқлар ҳам байрамни катта ғалаба билан қарши олишди. Байрам арафаси нуни улар 80 гектарлик майдоннинг сўнгги картасига чигитни сифатли қилиб экиб бўлишди.

А. АБАЛЯН фотоси.

## БАЙРАМ ТУҲФАЛАРИ

Тошкент шаҳар ижроия комитетининг аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатиш бошқармаси коллективи 1 Май байрамини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олди. Тўрт ойлик план муддатидан илгари —28 апрелда бажарилди. Бошқарма корхоналарининг меҳнаткашлари ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, 1-Майгача пландан ташқари яна 75 минг сўмлик турли хилдаги халқ истеъмол товарлари ишлаб чиқаришга аҳд қилган эдилар. Азаматлар ваъдаларининг устидан чиқишди.

С. ОРИФБОЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг штатсиз мухбири.

* * *

ОЛМАЛИҚ. (Штатсиз мухбиримиздан телефон орқали олинди). Шаҳар металлурглари, кончилари, қурувчилари ва бошқа касб эгалари баҳор байрамини муносиб меҳнат тўёналари билан кутиб олишди. Тўрт ойлик ишлаб чиқариш топшириғи муддатидан олдин адо этилганлиги ҳақида берилаётган ғалаба рапортларининг кети узилмайди.

Айниқса В. И. Ленин номли Олтинтопкан кон-металлургия комбинати меҳнат аҳли эришган зафарлар киши дилини хушнуд этади. Корхона коллективи ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш тўрт ойлик планини муддатидан икки кун илгари адо этиб, планга қўшимча миллионларча сўмлик маҳсулот тайёрлади.

В. КИМ.

(ЛАВҲА)

# МАЙДОНТОЛ ЛОЧИНЛАРИ

*Майдонтол, Нураксой, Мингчуқур, Пўлаттоғ, - Ачисой... Бу тоғларда бўлганмисиз? Унинг гаштини сурганмисиз?! Майдонтол ҳали ҳам момиқ қорлар оғушида ҳалқ ётибди. Пўлаттоғ сийнасида илк баҳор нафаси кезмоқда. Ачисойда эса қуёш иссиғига чидаб бўлмайди. Бу ерлар шундай гўзал, сўлим ва дилрабоки боққанингиз билан асло тўймайсиз. Яна сайр қилгингиз, яна нашъу-намоси билан яйрагингиз келади.*

*Ачисойни чўпонлар элати дейишади. Кўм-кўк майсаларга кон, сайроқи булбулларга ошиқ бўлган Ачисой марду-майдон кишилар даргоҳи. Бу кишилар қаҳратон қишнинг аччиқ изғиринларини енгиб, жазирама ёзнинг иссиқ ҳароратига бардош бериб элу-юртга барра гўшт, ғарча мой, серқаймоқ сут ва майин жун етказиб берадилар, халқимизнинг дастурхонига файз киритадилар. усти-бошини бошанг қиладилар.*

*«Қизил ту» колхозининг машҳур чўпони Аширмат акани ҳам шу кунларда Ачисойдан топасиз. Аширмат! Ҳа, бу киши ҳақида достонлар тўқисангиз, қўшиқлар яратсангиз арзийди. Ҳарбир сойнинг, жилғанинг, ҳар бир булоқнинг, ҳар бир ғиёҳнинг сиру-асрорини биладиган чўпон ана шу киши бўлади.*

*Кўринишдан содда бўлган бу чўпоннинг ғалати бир одати бор. Кун ботиш олдидан тоғ чўққисига кўтарилишни, ўз бешигига бош қўяётган қуёшни ҳавас билан кузатишни, ширин ҳаёлларга берилишни яхши кўради. Балки шунинг учундир унга шериклари «тоғ ошиғи» деб лақаб қўйишган. Мана бугун ҳам отарга қўнилган зумдаёқ, ҳамроҳлари қўй-қўзиларни ийирган замоноқ Аширмат баланд чўққи тепасига чиқиб олди. Атрофга қисиқ, қорамтир кўзлари билан суқланиб тикилади. Забардаст кўкраклари билан қониб-қониб нафас олади. Бир қўлида чўпон таёғи, иккинчи қўлини лабига қўйиб ҳар ғалгидай баланд овоз билан «ҳе-ҳеҳе...» деб қичқиради. Сўнгра тоғларнинг гумбурлашига, акс садо беришига тин олмай қулоқ солиб туради.*

*Ана энди у азм туп наъматак тагига чордона қуриб ўтирди, узоқ ҳаёлга чўмди. Нималарнидир ўйлади...*

*...У Паркентнинг Қумушкон қишлоғида туғилди, ўсди, улғайди. Энди ишлаймай, элимга, юртимга наф келтираман деганда лаънати уруш бошланди. Отадан айрилган Аширмат онаси Рўзибуви ва беш укасини қолдириб фронтга жўнади. Юртимизнинг мард фарзандлари сафида баҳодирона жанг қилди. Душманга қарши шиддатли жангда ярадор бўлди. 1946 йил она юртига қайтиб келди. Қайтиб келди-ю, ўз қишлоғида оналарини топа олмади. Улар «Қизил ту» колхозида жойлашишган экан. Аширмат онаси ва укалари дийдорини ўша ерда кўрди. Шу-шу Аширматлар оиласи шу колхозда қолиб кетди. Армиядан қайтган чўпон йигит укаларини бошлаб қирга, қўй-эчки боқишга чиқди...*

*Бу воқеаларга анча йил бўлган. Лекин йигитнинг назарида куни кечага ўхшайди. Ўша маҳалларда Аширмат ўзига-ўзи «бахт нимада?» деб кўп савол берарди. Кейинча бахт меҳнатда эканлигига ўзи ишонч ҳосил қилди.*

*Ўн саккиз йилдан буён Аширмат Эштоев ўзи севган касбида ишлаб келмоқда. Бу йиллар давомида унинг ҳаётида қўнгина қувончли воқеалар юз берди. Ленин ордени билан мукофотланди. Ўтган йили эса Ўзбекистон ССР Олий Советига депутат қилиб сайланди.*

*1961—1962 йилларни у ҳеч қачон ёдидан чиқазмайди. Ўша икки йилда ўз қарамоғидаги 300 совлиқдан сунъий қўпириш йўли билан 700 дан ошириб қўзи олди. Аширмат эришган катта ғалабалари учун Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетидан табрик телеграммаси олган эди. Табрик телеграммалари унинг бир ғайратига ўн ғайрат қўшиб юборди. Ўз касбига янада ихлос қўйди. Колхоз қўй-қўзиларини кўпайтириш учун бутун кучини сарфлай бошлади.*

*Моҳир чўпон ўтган 1963 йилни ҳам кўнгилдагидай якунлади. 350 қўйдан 385 та қўзи олиб берди. Ҳар совлиқдан 3,5 килограммгача етказиб жун қирқиб олди.*

*Аширмат Эштоевнинг бу йилги режалари ҳам катта. Қарамоғидаги 350 совлиқнинг ҳар юзидан 120 тадан қўзи олмоқчи. Ҳар бир қўйдан 3-3,5 килограммдан жун қирқиб бераман деб аҳду-пайман қилди. Ҳозиргача деярлик кўпгина совлиқлари қўзилаб бўлди. Қўзилар сони 400 га яқинлашиб қолди.*

*...Аширмат тоғ чўққисидан отарга қош қорайганда тушиб кетди. Данғиллама хона тўла. Эштоевлар оиласи бут. Укаларининг ҳаммаси —Серкабой, Урозбой, Бозорбой, Толиббой, Жумабойлар шу ерда Сақмонни келичлар —Тожинисо, икки Ўринбуви, Аширбуви, Турсуной, Қорақизларнинг гул-гул яснишиб бекалардек ўтиришганига ҳавасингиз келади. Уларни Аширмат оиласий мажлисга —навбаҳор байрами, шодлик байрами — 1 Май байрами муносабати билан чорлаган.*

*— Май байрамини ҳаммамиз ҳам қувончли натижалар билан кутиб олдик десак бўлади,— дейди оила бошлиғи Аширмат.—Оиламиз қарамоғидаги беш қўра қўйлар яхши боқилаяпти. Қўзиларнинг муваффақиятли ўтказилди. Энди жун қирқишни 10—15 кунда тамомлашимиз, ҳар бир совлиқдан 3—3,5 килограммдан жун қирқиб олишимиз зарур. Шундан сўнг қўйларни тоққа—Майдонтолга ҳайдаш учун тараддуд кўрамиз...*

*Аширматнинг гапи ҳақ. Майнинг охирларидан бошлаб колхоз чўпонлари 150 километрлик сафарга жўнайдилар. Етти-саккиз кун йўлда ўтади. Майдонтол яйловига хатарсиз етиб бориш ва ўрнашиб олиш осон ишлардан эмас. Сафарга моҳир чўпон Аширматнинг ўзи бош бўлади. Чин йигитлар, марду-майдонлар қалбини мафтун этган—Майдонтол, абадий баҳор воҳаси, майсазорлар ўлкаси, жонажон—Майдонтол беғубор сийнасини ўз лочинларига очиб беради... Ассалом, лочинлар! Ассалом, Майдонтол!..*

Р. УМАРОВ,
Юқори Чирчиқ ишлаб чиқариш бошқармаси.

Суратларда: (чапда) Аширмат Эштоев ўз оиласи билан. (Ўнгда) Ачисой яйловларида. М. Нуриддинов фотоси.

# ХИМИЯ ЗАКАЗЛАРИ ЯШИЛ ЙЎЛДА

Корхонамизда тайёрланаётган турли хил кабеллар халқ хўжалигининг деярлик барча соҳаларида кенг қўлланилаяпти. Айниқса химия саноати биз ишлаб чиқараётган маҳсулотнинг энг йирик истеъмолчиси ҳисобланади. КПСС Марказий Комитети декабрь Пленуми саноатнинг бу тармоғини юксалтиришнинг жуда катта программасини белгилаб берди. Шунга асосан мамлакатимизда ўнлаб йирик химия саноати корхоналари қад кўтармоқда. Бу муҳим саноат объектларини белгиланган муддатларда ишга туширишнинг кўп жиҳатдан коллективимиз меҳнатига ҳам боғлиқ. Чунки биз уларга турли кабеллар етказиб беришимиз лозим.

Ишчиларимиз, инженер-техник ходимларимиз ва хизматчиларимиз катта химияни бунёд этишдек шарафли ва шу билан бирга масъулиятли ишга муносиб улуш қўшиш иштиёқида тиним билмай меҳнат қилмоқдалар, химия заказларини муддатидан илгари дўндириш учун астойдил қурашмоқдалар. Бу ўзининг ажойиб меваларини бераяпти.

Кабелчиларнинг бир ёқадан бош чиқариб ишлашлари натижасида мамлакатимизда химия саноатининг янгидан қад кўтараётган 32 йирик объекти заказлари шу йилнинг биринчи кварталидаёқ бажариб қўйилди. Белгиланган графикка мувофиқ бу заказлар бутун йил давомида адо этилиши керак эди. Керакли кабель маҳсулотларини барвақт олган химия корхоналари орасида республикамиздаги Навоий химия комбинати, Фарғона минерал ўғитлари, Самарқанд суперфосфат заводлари бор.

Коллектив ўртасида меҳнаткашларнинг халқаро бирдамлик куни —1 Май байрами шарафига социалистик мусобақани кенг авж олдириш, ички резервларни қидириб топиш ва улардан фойдаланишни йўлга қўйишга катта эътибор бериш туфайли шундай ютуқларга эришдик. Партия-давлат контролига кўмаклашувчи группа ҳузурида пост ташкил этдик. Пост аъзолари кенг жамоатчиликка таянган ҳолда цехларда ишлаб чиқариш маданияти, химия заказларининг бажарилиши устидан қаттиқ назорат олиб бордилар. Бу ҳақда коллективимизнинг барча аъзолари баббаравар қайғиришди. Ишбилармон мутахассислар бригада ва сменаларга бириктиб қўйилди. Улар бевосита иш жойида ички резервларни қидириб топиш бўйича изланишлар олиб боришди. Ҳар бир ишчи, ҳар бир инженер-техник ходимнинг химия саноати заказларининг бажарилишидаги масъулияти кучайтирилди.

Ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш, маҳсулот сифатини яхшилаш бўйича жуда кўп тадбирлар амалга оширилди. Шуниси қувончлиги, бу чораларни деярлик ҳаммаси оддий ишчиларимиз, мастерларимиз ташаббуси билан кўрилди. Кабелга брон қоплайдиган бўлим старший мастери Ҳусан Ҳолиқов машиналарни ремонт қилиш муддатларини қисқартиришга қаратилган таклиф киритди. У амалга оширилгач, илгари ҳар бир машинани ремонт қилиш учун 15 кун сарфланган бўлса, етти кун сарфланадиган бўлди. Фақатгина ана шунинг эвазига қўшимча равишда 13 минг метр кабелни бронлаш имкони туғилди.

Кабелга резина қоплаш бўлимининг мастер ва ишчиларидан Нодир Собиржонов, Дмитрий Войнов, Анатолий Самойлов ва Эргаш Шамсиев ўртоқлар вулканизация ва қуруқ синаб кўриш аппаратларини анча такомиллаштирдилар. Натижада брак кескин камайди. Хомаки ҳисобларга қараганда ана шу тадбир туфайли йил охиригача 75 тонна резина, 15 тонна алюминий сими иқтисод қилинади. Ана шу материаллардан ўнлаб километр кабель тайёрлаш мумкин.

Асбоб-ускуналар иш унумини оширадиган бошқа жуда кўп резервлар ҳам топилди. Барча цехларда ходимлар ишлайдиган бригадалар ташкил этилди. Уларнинг сони тобора кўпайиб бораётир. Бунинг натижасида сменалар алмашиш учун кетадиган вақт кескин камайди, маҳсулот ишлаб чиқариш графиги зичлашди. Цехлараро кооперация аниқ ташкил этилган. Агрегатларга хомашё ўз вақтида ва зарур миқдорда етказиб турилмоқда. Заводимиз йил бошидан буён бир меёрда ишлаяпти. Илгарилари эса ритмсизлик ишимизга жуда кўп зарар келтирар эди.

Барча цехларда илғор тажриба мактаблари ташкил этилган. Т. Алимбоев, А. Курганов, И. Пулимакис ўртоқлар ва бошқа юқори малакали ишчилар ёшларни илғор иш усуллари асосида ишлашга ўргатмоқдалар, улар билан ўз тажрибаларини ўртоқлашишяпти. Жамоатчилик асосида ишлаётган конструкторлик, технологик, иқтисодий анализ бюролари ва кадрлар бўлимлари аъзолари ҳам коллективимиз меҳнатининг баракали бўлишига катта улуш қўшмоқдалар

Коллективимиз ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш тўрт ойлик планини муддатдан илгари бажариб, байрам айёмини муносиб кутиб олди

К. С. САФОНОВ,
Тошкент кабель заводининг директори.

РЕПОРТАЖ

# Арафа тонги

Тошкентдан чиққанимизда қуёш уфқ зийидан олтин барқашдай бўлиб кўтарилаётган эди. Машина Тўйтепа томон йўналган йўлдан юриб бепоён далалар қўйнига кираборгани сайин баҳор жамоли тобора гўзаллаша бошлади. Байрам арафасининг ажиб тонги эса интиҳоси йўқ диёрнинг бир файзига ўн файз қўшибди. Арафа куни билан биргалинда улуғвор етти йиллигимизнинг яна бир меҳнат куни туғилибди. Тонг нафасига, улуғ айём арафаси нафасига, кўркам кўнлам нафасига самарали меҳнат нафаси, қудратли техника нафаси пайванд бўлиб кетибди. Бир-бирига туташиб кетган далаларда ҳаёт қайнаяпти. Ғайрат намарини маҳкам боғлаган ҳамиятли деҳқонлар олтин кузни ўйлаб, осмон билан ўпишадиган тоғ-тоғ пахта хирмонларини ўйлаб, яхши ният билан сахий ер бағрига барака уруғи қадашаяпти. Отни илгарироқ қамчилаган деҳқонлар эса ўз пайкалларини ям-яшил квадратлар билан безатишибди. Синчиклаб қараган киши бугун уларнинг чеҳрасида ажиб ўзгаришлар содир бўлганлигини фаҳмлади. Ҳа шодиёна байрам кайфияти бу чеҳраларга илиқ қувонч аломатларини ҳадя этибди, юрагида, билагида, қора кўзларида ғайрат ўти аланга олаётган бу сахий кишиларнинг руҳини янада тетиклаштирибди, уларнинг улкан марралар сари интилишларини тағин ҳам жадаллаштирибди.

Арафа тонгида бу тенги йўқ ҳис-ҳаяжонларни битта-иккита ёки ўнта-ўнбешта одамдагина эмас, ҳаммада сезиш мумкин эди. Манзилга етиб келиб, 2-«Оққўрғон» совхозининг азамат тюпкочи механизаторлари билан учрашганимизда ҳам ана шундай ҳис-ҳаяжонларни сездик. Фаҳмимизча бугун улар ҳар качонгидан ҳам самаралироқ меҳнат қилишаётган эди.

Мана, катта пайкал. Поёнини кўз илғамайди. Ҳўв нарида юриб келаётган агрегат ерга «оқ олтин» уруғини қадаяпти. Пайкал ченнасида қотмадан келган новчагина бир киши узоқ-узоқларга нигоҳ ташлаб, нималарнидир ўйлаяпти. Бу — мамлакатимизга донги кетган механизатор. Социалистин Меҳнат Қаҳрамони Валентин Афанасьевич Тюпко эди. У билан самимий сўрашдик. Бир-биримизни байрам билан қутладик. Валентин Афанасьевич яқинлашиб келаётган трактордан кўзини узмай, кулимсираб қўйди:

— Хўп тилла йигит-да, — деди у тракторчи йигитга ишора қилиб, — қирқ гектар майдонга бир ўзи чигит экди.я! Мана шу пайкал унинг ўзи бошчилик қилаётган звенонинг пайкали. Азамат экишни шу бугуноқ тугатишга ошиқаяпти.

У сўзини тугатар-тугатмас агрегат пайкал ченнасига етиб келди. Аладин Файзуллаев ўриндиқдан сакраб тушди-да, келиб бизлар билан сўрашди.

— Қалай Аладин, агрегат яхши ишлаяптими, — сўради Валентин Афанасьевич, — экиш бугун тугайдими?

— Ҳа, пешингачаёқ тугатмоқчиман. Фақат мана шу пайкал қолди-да, ўзиям.

Биз Аладиндан звенонинг ишлари тўғрисида гапириб беришни сўрадик.

— Ҳозирча оғизга тушадиган тузукроқ иш қилганимиз йўқ, — деди у камтарилик билан, — дастлабки ютуғимиз шу бўлдики, чигитни энг қулай муддатда экдик. Дастлаб экиш пайкалларимизда ҳозир мурган гўзалар қулф ураяпти. Звеномизда ўзим билан олти киши ишлайди. Утган йили гектар бошига салкам 30 центнердан хирмон кўтарган эдик. Бу йилги мақсадимиз — 40 центнер!

— Ҳормангилар! — Бу трактор ёнига яқинлашган отлиқнинг товуши эди. Ўрта бўй, тўлачадан келган, юзи офтобда пишган, сочига япкам-дуккам оқ оралаб қолган бу киши совхознинг 3-бўлимига бошчилик қилади. Абдулла Бобохўжаев хаммамиздан ҳолаҳвол сўраганидан кейин Аладинга қараб гап қотди:

— Табриклайверсам бўладими?

— Хиёл эртароқ келдингиз-да, Абдулла ака. Яна икки-уч соатлик иш қолди, холос.

— Тезлатгин-да, ука. Ахир эртага байрам-ку! Юзни ёруғ қилиб кутиб олайлик-да.

Аладин вақтни ўтказмаслик учун гапни қисқа қилди-да, агрегатни яна бошқариб кетди. Абдулла ака билан анчагина суҳбатлашиб, бўлимда қилинаётган ишлардан хабардор бўлдик. Ҳа, бу бўлимда ўзгаришлар жуда катта. Яқин-яқингачаям мана шу нўш ўнгимиздаги ерлар ўз саҳийлигини тупроқ бағрида сақлаб келарди. Бўлим деҳқонлари мўлжалдаги ҳосилни ундираолмай, кўпинча панд еб қолишардик. Валентин Афанасьевич Тюпко — республикамиз механизаторларининг машъали, бу ерларга ёруғ нур сочди-ю, иш юришиб кетди.

Утган йили у совхознинг ана шу бўлимида 8 та комплекс механизациялашган звено тузиб, уларга раҳбарлик қила бошлади. Ерга техниканинг кучи сингигач, ер деҳқондан ҳосилини аямади. Утган йилнинг ўзида ҳосилдорлик бирданига 12 центнерга ошди.

Бу йил бўлимда бирорта ҳам бригада қолмади. Комплекс механизациялашган звеноларнинг сони 15 тага етди. Бўлим пахтакорлари ҳосилдорлиги камида 25 центнерга етказишни мақсад қилиб олишибди...

...Совхоз пахтаномларни ҳузурида қайтаётганимизда арафа нашъасиқ тобора авжига чиқаётган, ҳамма улуғ айёмни катта тухфа билан кутиб олишга ошиқаётган эди...

Ш. ШОРАҲМЕДОВ.
«Тошкент ҳақиқати»нинг мухбири.

## ПИЛЛАКАШЛАР СОВҒАСИ

*Тошкент ипакчилик фабрикасининг цехлари, смена ва бригадалари коллективлари ўртасида Ўзбекистон ССР ва республика Компартиясининг 40 йиллик тўйи шарафига социалистик мусобақа тобора авж олмоқда. Пиллакашлар улуғ етти йиллик олтинчи йилини муваффақиятли бошладилар. Биринчи квартал топшириғи ортиғи билан адо этилди.*

*Корхона коллективи тўрт ойлик планни муддатидан беш кун олдин бажарганлиги ҳақида рапорт берди. Шу муддат ичида ўтган йилнинг ана шу давридагига қараганда 44 минг сўмлик кўп маҳсулот ишлаб чиқарилди.*

# НАВРЎЗ

Мендан сўраб қолдинг «Нима, — деб, —наврўз?»
Бир нафас лол бўлиб туриб қолдим жим.
Сенга кенгроқ қилиб жавоб берардим,
Енимда лугатим йўқ эди афсус.
Луғат бўлмаса ҳам эшитгин, майли,
Жавоб бермоқчиман ўз билганимча.
Адрлар кийниб духоба нимча
Уфққа ястанар жуда чиройли.
Сахий нур сочувчи Май қуёшида
Ҳар кун даста-даста чучвома унар.
Бутун олам баҳор бўлиб кўринар.
Замон бор сойларнинг шовуллашида.
Сендек юзлаб гўзал, нўзлари ферўз
Ченсиз далаларга сайрга чиққани.
Этак-этак қилиб лола йиққани..
Азизим, шуларнинг ҳаммаси наврўз.

Хайриддин САЛОҲ.

# ОҚ ЙЎЛ, ЖАЗОИРЛИК АЗИЗ ДЎСТЛАР

(Бошқ биринчи бетда).

Аэропортга келган кишилар орасида КПСС Марказий Комитети Ўрта Осиё Бюроси раисининг ўринбосари В. К. Акулинцев, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Президиумининг аъзолари Н. В. Мартинов, М. М. Мусаховов, Р. Н. Нишонов, И. И. Федюнинский, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Президиуми аъзолигига кандидат Қ. Муртазоев ва бошқа ўртоқлар бор эди.

Фахрий қоровул бошлиғи рапорт беради. Жазоир Халқ Демократик Республикаси, Совет Иттифоқи ва Ўзбекистон ССР давлат гимнларининг садоси янграйди.

Ш. Р. Рашидов микрофон олдига келиб нутқ сўзлайди.

Ҳурматли ўртоқ Президент, қадрдон дўстимиз ва биродаримиз Аҳмад Бин Белла! —деди Ш. Р. Рашидов, —Жазоирлик азиз меҳмонларимиз! Ўртоқлар! Дўстлар!

Совет Ўзбекистонига қилган сафарингиз тамом бўлай деб қолди. Бугун биз сизлар билан хайрлашамиз. Сизлар республикамизда атиги салкам уч кун бўлидингиз. Аммо биз ана шу қисқа вақт ичида Ўзбекистон тўғрисида, халқимизнинг ҳаёти тўғрисида кўп нарса билиб олдингиз, деб ишонамиз.

Сизларнинг серқуёш элимизда кўрганларингиз, республика аҳолисининг сизларни самимий кутиб олганлиги, давлат ва жамоат арбоблари билан, саноат ва қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари билан учрашувларингиз ва суҳбатларингиз Ўзбекистон Совет ҳокимияти йилларида СССР халқларининг буюк қардошлик оиласида қандай ютуқларга эришганлиги тўғрисида., Жазоир халқига, унинг шонли вакилларига, ўртоқ Президент, Сизга нисбатан самимий дўстона туйғуларимиз тўғрисида муайян тасаввур олишингизга ёрдам берди.

Биз, совет кишилари шу нарса билан фахрланамизки, мустамлакачилик зулмини улоқтириб ташлаган Жазоир халқи ўз мамлакатида янги жамият пойдеворини муваффақиятли суратда қурмоқда, социалистик асосларда янги эркин ҳаётни барпо қилмоқда. Сизлар Совет Иттифоқидаги ва шу жумладан, Ўзбекистондаги социализм қурилиши тажрибасини ўз мамлакатингиз учун фойдали деб билиб, ундан Жазоир халқининг бахт-саодати йўлида фойдалансангиз, бехад хурсанд бўламиз.

Бизнинг Коммунистик партиямиз ва унинг Никита Сергеевич Хрушчев бошчилигидаги ленинчи Марказий Комитети халқлар ўртасида самимий дўстлик ўрнатиш учун, ер юзида тинчликни мустаҳкамлаш учун қўлларидан келган ҳамма ишни қилмоқдалар. Совет халқи эрксевар халқларнинг империализм ва мустамлакачиликка қарши, мустақиллик учун, мустамлакачилик оқибатларини тугатиш учун, миллий экономикани мустаҳкамлаш ва ривожлантириш учун олиб бораётган курашини бутун чоралар билан қўллаб-қувватламоқда. Бизнинг халқимиз барча эрксевар халқларнинг, шунингдек қаҳрамон Жазоир халқининг ҳамиша синалган ва беғараз дўсти бўлиб қолади.

Совет халқи қадрдон ўртоқ Президент, Сизнинг тинчлик ва халқлар дўстлиги учун қурашдаги хизматингизга юксак баҳо бермоқда. Халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш учун Халқаро Ленин мукофотлари комитети Сизга «Халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш учун» Халқаро Ленин мукофоти беришга қарор қилганлигини, дўстимиз ва биродаримиз Аҳмад Бин Белла, Сизга маълум қилиш билан хурсандман. Ўртоқ Бин Белла, шу юксак мукофот билан Сизни чин кўнгилдан қутлашга ижозат бергайсиз.

Ўртоқ Президент, Сизнинг визитингиз яхши самаралар бериб, халқларимиз ўртасидаги қадрдошларча дўстликни янада мустаҳкамлаш учун мустаҳкам асос яратганлигига аминмиз.

Ҳурматли ўртоқ Бин Белла, жазоирлик азиз меҳмонлар, ёқимли, лекин афсуски, жуда қисқа муддатли сафарингиздан кейин Сизлар билан хайрлашар эканмиз, дўстона сафарингиз учун Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети номидан, республикамиз барча меҳнаткашлари номидан яна бир марта самимий ташаккур изҳор қилишга ижозат бергайсиз.

Қадрдон Президент, Ўзбекистон меҳнаткашларининг самимий қардошларча саломини ва янги ҳаёт қурилишида, тинчлик ва тараққиёт манфаатлари йўлидаги яратувчилик меҳнатида катта муваффақиятларга эришувини истаб билдирган тилакларимизни қаҳрамон жазоир халқига топширишингизни Сиздан сўраймиз.

Жазоир ва совет халқларининг бузилмас дўстлиги мустаҳкамлана берсин! Яшасин озод, мустақил ва гуллаб яшнаётган Жазоир Халқ Демократик Республикаси! Қадрдон дўстимиз ва биродаримиз ўртоқ Аҳмад Бин Белла, яна дийдор кўришгунча хайр! Яна дийдор кўришгунча хайр, азиз жазоирлик дўстларимиз! Оқ йўл, ҳурматли меҳмонлар! Оқ йўл, ҳурматли Президент Аҳмад Бин Белла!

Аҳмад Бин Белла жавоб нутқи сўзлади.

Азиз опа-сингил ва ака-укалар, қадрдон дўстлар, деди у, Тошкентдан жўнаб кетар эканмиз, мен бу ерда бизга кўрсатилган самимий илтифот учун зўр миннатдорчилигимизни яна бир марта чин кўнгилдан изҳор қилишни истайман. Биз чинакам илиқ ва самимий дўстликни ҳамма ерда кўрдик. Бу ерга келган пайтимизданоқ ана шу дўстлик туйғуларини доим ҳис этдик. Бизга кўрсатилган илтифот халқларимизни бир-бири билан боғлаётган чуқур ва самимий дўстликнинг жуда яхши шоҳидидир.

Бизнинг бу дўстлигимиз, деб таъкидлайди Аҳмад Бин Белла, бузилмас дўстликдир, чунки ҳаммамиз умумий бир мақсадни кўзламоқдамиз, инсонни ҳар қандай қарамликдан батамом озод қилишга, тўла эркинлик ва тенглик қарор топадиган ва одамнинг одам томонидан эксплуатация қилиниши абадий тугатиладиган жамиятни барпо қилишга интилмоқдамиз.

Сизлар, деб уқтириб ўтади Президент, ўз ютуқларингиз билан бизни таништирдингиз, бу ютуқларга ҳақиқатан ҳам қойилмиз. Биз сизнинг корхоналарингизда, колхозларингизда бўлдик. Мирзачўлга бордик ва биз ҳамма жойда халқнинг ихлос билан меҳнат қилаётганлигини кўрдик.

Сизлар илгариги дашт ерларни жуда маҳсулдор ерларга айлантиришга муваффақ бўлгансиз. Биз сизнинг илғор техникангиз билан таништик. Бу техника халққа хизмат қилмоқда ва ундан дашт ерларни боғ-бўстонларга айлантириш учун фойдаланилмоқда. Сиз танлаб олган йўл, деди Аҳмад Бин Белла, мутлақо тўғри йўл эканлигига аминман. Бу йўл дашт районларни яқин орада маҳсулдор ерларга айлантиришнинг учун имконият яратиб беради. Ўзбекистон тўғри йўлдан бормоқда. Ўзбекистон бундан бўён ҳам шу йўлдан муваффақиятли суратда бориб, янада бадавлат, техника билан янада кўпроқ таъминланган, янада равноқ топган мамлакат бўлиб қолишига аминман.

Сизнинг мамлакатингизда кўрганларимиз жуда катта қизиқиш туғдиради ва биз учун ижобий тажриба бўлади. Ҳозирги вақтда биз ҳам кооперативларни ташкил этиш учун, комбинатларимиз учун зарур маблағлар ажратиб, бундан фойдаланмоқдамиз. Сизларни ишонтириб айтаманки, сизларнинг тажрибангиз бизга жуда катта манфаат келтиради.

Сизлар каби биз ҳам ҳозирги вақтда жамиятни қайта қуриш соҳасидаги жуда катта вазифаларни ҳал этмоқдамиз. Биз бу вазифаларни мардона ҳал этмоқдамиз, чунки биз социализм йўлини танлаб олганмиз. Биз социализм инсонни озод қиладиган рационал асосда янги экономикани вужудга келтирадиган бирдан-бир тўғри йўл деб ҳисоблаймиз. Бу экономика халқ оммасининг равнақ топишига ёрдам беради. Биз яшнаб турган замонавий давлатни барпо қилишни истаймиз., мамлакатни иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан бошқаришда меҳнаткашларнинг бевосита иштирок қилишларини, уларнинг онгли суратда социалистик жамият бинокорлари бўлишларини истаймиз.

Биз ўзингиз чизиб олган йўлдан бориб, келгусида янада порлоқ муваффақиятларни қўлга киритишингизга ишонамиз.

Менга тинчлик мукофоти — Халқаро Ленин мукофоти берилганлиги бугун эълон қилинди. Бу — мен учун жуда катта шарафдир. Менга мукофот берилишини халқимизнинг буюк хизматларини тақдирлаш деб ҳисоблайман. Бу, аввало, мамлакатимизда янги жамият қуриш учун ўз жонини фидо қилган бир ярим миллион кишининг хотирасини ҳурматлаб эсга олишдир.

Биз зўр мамнуният туйғулари билан жўнаб кетмоқдамиз. Мен ўртоқ Хрушчевга Ўзбекистон қуёшининг ҳароратини Москвага олиб келаман, деб ваъда берган эдим. Ўз ваъдамнинг устидан чиқаман, деб ўйлайман.

Аҳмад Бин Белла яна қуйидагиларни айтади: Азиз ака-ука ва опа-сингиллар. Хайрлашиш пайти келди. Биз жўнаб кетар эканмиз, сизларга бўлган самимий туйғуларимизнинг катта қисмини шу ерда қолдириб кетамиз. Бизнинг дўстлигимиз ана шундай дўстликдир. Бу дўстликни бўза оладиган куч жаҳонда йўқ. Биз жўнаб кетар эканмиз, халқимизга нисбатан изҳор қилган туйғуларингизнинг катта қисмини ҳам ўзимиз билан бирга олиб кетамиз. Бу бизу учун жуда ёқимлидир.

Биз бу ердан катта умидлар билан жўнаб кетмоқдамиз. Бу умидлар социализмнинг янги, буюк самаралари учун замин тайёрлашимизга ёрдам беради. Аҳмад Бин Белла сўзининг охирида Совет-Жазоир дўстлиги шарафига табрик ҳитоблари айтади.

Ш. Р Рашидов ва Аҳмад Бин Белланинг нутқлари кўп марта гулдурос қарсаклар билан бўлиниб турди.

Хайрлашиш онлари ҳам етиб келди. Дўстлар қучоқ очиб, қўл қисишиб хайрлашадилар. Болалар қаҳрамон Жазоир халқининг вакилларига баҳор гулдастларини тақдим этадилар.

Аҳмад Бин Белла ва унинг ҳамроҳлари самолёт томон йўл олади.

Қардош Жазоир вакиллари билан бирга КПСС Марказий Комитетининг секретари Б. Н. Пономарев. СССР ташқи ишлар министрининг ўринбосари Я. А. Малик, Совет Иттифоқининг Жазоирдаги элчиси Н. М. Пегов ва Президентнинг мамлакат бўйлаб қилган сафарида унга ҳамроҳ бўлган бошқа расмий кишилар ҳам Тошкентдан жўнаб кетдилар.

Самолёт мовий осмонга кўтарилиб, Москвага қараб йўл олади.

(ЎзТАГ).

Фонтан инжусида сабо шўхлиги,
Жилвакор наврўзнинг чирой — нўхлиги.
Онадек азиздир Тошкентим номинг,
Нурларга чулғанган сулув оқшоминг
П. НИШОНОВ.
А. Абалян фотоэтюди.

## ГУЛ УЗАТДИМ

Уйқуни тарк этиб илҳом амрила
Мусаффо тонгларни кутганман минг бор.
Лекин май тонгидек диларабо, гўзал,
Бир тонгни кўрмадим гул фасли—баҳор,
Шу тонгда дарёдай тошгим келади,
Шўх анҳор бўйига шошгим келади.
Гоҳ тоғдан-тоғларга ошгим келади,
У сарин елларга рашким келади.
Чиройда барнамол қизлар юзидай
Байроқлар силкинар, қирмизи алвон.
Даврада ёшлиннинг худди ўзидай,
Қўшиқлар, шўхликлар ураги жавлон
Гўзал тонг, шаббоданг эсар сарбасар,
Боғларга, гулзорга чорлайди дилни.
Сен учун гул терар, куй куйлар дўстлар,
Гул билан узатдим мен ҳам севгимни.
Эътибор ОХУНОВА.

# ЭЛ ДАСТУРХОНИГА

*Юнусобод қишлоғи баҳор либосида. Бу томонларнинг ўзгача гашти, файзи бор. Дендропаркка ҳам, Черняевка қишлоғидаги катта лолазор адрга ҳам шу қишлоқ орқали борилади.*

*«Ўзбекистон 40 йиллиги» колхозининг боғлари ҳам шу ерда. Ширасн тилни ёрадиган ҳусайнилар, карсиллама шакарангурлар, тўю-байрамларнинг гурунгини қизитадиган «Баяк ширей», «Саперавий» виноларинг узумлари ҳам шу ерда етилади.*

*Колхозда авжи меҳнат чоғи. Ўртоқ Маҳамат Ҳакимов бошчилик қилаётган 3-бог бригадаси — жуда катта ўзумзор. 42 гектарлик яхлит боғда боғбонларнинг иши қизиб кетди, колхозчи отахонлар ширин-шарбат узумларни етилтирадиган токларни эркалай бошладилар. Зокирхон ота ўз тенгқурлари билан қўлида ток қайчи ушлаб боққа кирди.*

*— Бу йил боққа боғ-қўшмоқдамиз. Яна 30 гектар олмазор, нокзор, беҳизор, шафтолизор қиламиз, — дейди колхознинг 25 йиллик раиси Турғун Мирзаев.*

*Сирасини айтганда «Ўзбекистон 40 йиллиги» колхози — Тошкент атрофидаги колхозларнинг машъалидир. Илгари тепалик бўлган бу ерлар ҳозир ажойиб узумзорлардир. Шунисн қувонарлики, чиллакилар илк бор шу ерда чимак уради. Тошкент аҳолисига ўзининг мазали сабзавотлари билан, тотли мевалари-ю, ширич-ширин узумлари билан танилган бу колхоз азаматлари элюртни янада шод этиш учун ғайратга-ғайрат қўшиб меҳнат қилишаялти.*

*Колхозда экинларнинг тури кўп: 300 гектар ер картошка, 131 гектар ер сабзавот, 45 гектар ер помидор экинлари билан банд бўлди. Ҳозир 4 гектар ердаги нўшпиёз қулф уриб ётипти. Икки гектар ердаги редиска ғарқ пишган. Мана шуларнинг ҳаммаси — Май байрамида, шаҳар аҳолисига аталиб ўзилади.*

*Сабзавотчиларнинг иши ҳам пахтакорларникидан қолишмайди. Ҳар бири алоҳида эътибор талаб этадиган бу «майда» экинлар яхши парвариш қилинмаса қутилган ҳосилни бермайди.*

*Колхоз теплицасида ўстирилган помидор кўчатлари ерга экилди. 9 гектар ерга сепилган сабзи майса бўлиб ўсиб ётипти.*

*Қалинин ишлаб чиқариш бойқармасидаги «Ўзбекистон 40 йиллиги» колхозида боғ ва сабзавотчилик билан бирга дон экишга ҳам катта аҳамият берилмоқда. Комсомол аъзоси Закия Алиеванинг ўзи тракторчи. У, 95 гектар ерга маккажўхори экди. Ҳозир бу ерда иш жуда қизғин. Гектаридан юз центнердан ҳосил олишни мўлжаллаган бу бригадада Шукур Ғафуров, Зиёд Ражабов, Султон Мелиев, Аҳад Тиллаев каби комсомол-ёшлар Ватан, партия чақириғига жавобан ошу-нонимиз бўлган донни кўпайтириш учун қизғин қурашмоқдалар.*

*Колхозда бу йил кўп бригадирлар ёшлардан сайланди. Оталар ёшларга қимматли маслаҳатлар бериб, уларни астойдил ишлашга ўргатмоқдалар.*

*— Бизнинг дийримиз пахта, боғ, сабзавот билан машҳур. Эмди донни ҳам кўпайтиришимиз керак. Биз шунга ўз ҳиссамизни қўшамиз, — дейди Закия Алиева.*

*Ўлкамизда баҳор байрами, тинчлик, дўстлик шодиёнаси тантана қилинаялти. Бу баҳор меҳнат баҳоридир. Бу баҳор тинчлик баҳоридир. Бир жуфт кўчат экиб, уни ўз фарзандидай ардоқлаётган боғбончлар — минг-минг. Республикамиз ва Ўзбекистон Компартиясининг шонли 40 йиллик юбилейини ўтказадиган халқимиз қаторида «Ўзбекистон 40 йиллиги» колхози аъзолари ҳам ўз хўжаликларининг номига яраша ширин-шакар маҳсулотлари билан қутлуғ тўйга кириб келдилар.*

Ю. ҲАМДАМОВ.

## «НАВБАҲОР»ГА КЕЛИНГ

Не истайсиз, ҳаммаси мухайё. Қўли-қўлига тегмаётган хушмуомала сотувчилар харидорлар хизматида.

Байрам арафаси эмасми, иш кўп. Ҳар ким ҳам бирор нарса олгиси бу байрам тонготарини хурсандчилик билан ўтказгиси, қариндош-уруғ, ёру биродарларининга байрам совғаси билан боришни истайди...

Улуг айём арафасида шаҳар савдо бошқармаси Чилонзор районида янги «Навбаҳор» магазинини фойдаланишга топширди. Бу 43. магазинда 50 киши харидорларга намунали хизмат қилмоқда. Бу ерда нон, сут, кондитер маҳсулотлари, гўшт ва бошқа бўлимлар бор. Ёзнинг иссиқ кунларида эса магазинда дам олиб, хордиқ чиқаришингиз, мазали мороженое ҳам истеъмол қилишингиз мумкин.

Озода, ёнг ва чиройли қилиб қурилган янги магазиннинг иноқ ва аҳил коллективи коммунистик меҳнат бригадаси деган юксан ном учун қурашмоқда. Сотувчилар совет савдоси қоидаларига қатъий амал қилишади. Кўп йиллик самарали меҳнатлари билан кўпчилик ҳурматини қозонган Зоҳид Самигжонов коллективга раҳбарлик қилмоқда.

«Навбаҳор»га марҳамат. У ердан истаган нарсангизни харид қилишингиз мумкин.

М. МИРЗАЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг штатсиз мухбири.

## ЖАМОАТЧИЛИК АСОСИДА

Рўзғорда бирор нарса етишмай қолди. Ана шундай кезларда магазин уйингизга яқин бўлганига не етсин. Бир зумда чиқиб келасиз. Вақтингиз ҳам зое кетмайди, агар уйингизда меҳмон бўлса уларни ҳам кутдириб қўймайсиз.

Пойтахтимизнинг Октябрь районидаги «Социализм», «Иттифоқ», «Қўштут», «Чимбой» маҳаллаларида байрам арафасида янги озиқ-овқат магазинлари фойдаланишга топширилди. Шуниси қувонарлики бу янги магазинларни шу маҳаллада яшовчи меҳнаткашларнинг ўзлари жамоатчилик асосида қуришди.

«Оқтепа» маҳалласида аҳоли кучи билан 200 кишилик клуб, маҳалла комитети идораси учун янги бино қад кўтарди.

Шунингдек, районда 450 ўринли тўртта болалар боғчаси ҳам ишлай бошлади.

# ҲАММАСИ СИЗЛАР УЧУН

### ХИЁБОНЛАР ГАШТИ

Пойтахтимиз парк ва ҳиёбонлари кўклам гулларига бурканган. Кечқурунлари бу ерга келиб ажойиб томошалар ва бадиий ҳаваскорлик ансамбларининг концертларини томоша қилишингиз мумкин.

М. Горький номли шаҳар болалар парки 1 Май кунидан бошлаб фарзандларимиз ихтиёрига топширилади. Байрам кунлари парк да «Пионерларнинг 1 Май слёти» ташкил этилади. Болалар ота-оналари учун турли программада концертлар қўйиб беришади, ўз санъатларини намойиш қилишади. Кечқурунлари эса парқда ёшлар учун катта бал ташкил этилади.

Ленин комсомоли, Пушкин, Шумилов, Тельман номли парклар ҳам байрам либосига бурканган. Бу ерда халқ сайллари, баҳор байрами ўтказилади. Кундуз кунлари болалар учун ҳам махсус программада концертлар қўйиб берилади.

Байрам кунлари пойтахтимиздаги эстрада театри, давлат филармонияси, Навоий номли опера ва балет театри, Муқимий номли театр коллективи шаҳар, район маданият уйи ҳаваскорлик тўгаракларидаги ҳамшаҳарларимиз учун турли программада қизиқарли томошалар кўрсатишади.

### САВДО ХИЗМАТИ

*Меҳнаткашларнинг халқаро бирдамлиқ кучи 1 Майда маданий савдо хизмати кўрсатиш учун шаҳар савдо бошқармаси ва умумий овқатланиш бошқармаси бирқатор тадбирлар белгиладилар. Намойишчилар колонналари ўтадиган жойларда 260 та кўчма савдо точкаси ишлаб туради. «Ташлимводторг» трести кўча ҳамда майдонларда 200 га яқин сув ва мороженое лотоклари орқали намойишчиларга маданий савдо хизмати кўрсатишади. Бундан ташқари 200 та лотокда эса кондитер маҳсулотлари сотилади. 25 автомашина намойишчилар колонналари ўтиб борадиган кўчаларда кенг ассортиментдаги озиқ-овқат билан савдо қилади.*

*Киров, Октябрь, Ленин, Куйбишев ва Фрунзе райпищеторглари байрам савдоси билан хилма-хил озиқ-овқат, кондитер маҳсулотлари ва совуқ ичимликлар билан савдо қилишади.*

### ТОМОША ҚИЛИНГ, ДАМ ОЛИНГ

Шаҳар театри артистлари меҳнаткашлар байрамини сермазмун ва қизиқарли ўтказиш учун қўлларидан келганча хизмат қилишади. Шу куни Навоий номли, Ҳамза номли академик драм театри ва Муқимий номли театрлар коллективи ўзининг энг яхши асарларини кўрсатишади.

Кинотеатрларда совет ва чет эл киностудиясининг фильмлари намойиш қилинади. Бир қатор маҳаллаларда Ленин номли, Оқтепа, Чилонзор майдонларида эса меҳнаткашлар учун бепул бадиий, илмий-оммабоп фильмлар кўрсатилади.

Байрамнинг иккинчи ва учинчи кунлари «Пахтакор» стадионида 1500 киши иштирокида «ҳар доим қуёш бўлсин» деб аталган санъаткорлар байрами бўлади. Кўзга кўринган кино, театр артистлари тошкентлик томошабинларга истеъдодларини намойиш қилишади.

## ЭРКАТОЙЛАР ШОД

Эрталабки нонуштадан сўнг тарбияланувчилар боғчанинг катта залига тўпланишди. Хона ранго-ранг гуллар билан безатилган.

— Биласиларми, болалар,— деди боғча мудираси Минаввар опа Маматова сўз олиб, — келаётган байрамингиз муборак бўлсин. Ҳаммаларингга бахт-саодат тилайман. Ватанимизнинг муносиб ўғли ва қизлари бўлинглар. Бугун байрам эрталигини ўтказаяпмиз. Шу шодиёна билан сизларни табриклаш учун ота-оналар ҳам келишди.

Шу пайт саҳна очилиб, хор янграб кетди. Ўғил-қизлар «Салом, Май!» деган қўшиқни ижро этишарди. Тарбиячи Робия Мирхусанова эса хорни бошқариб турарди.

Навбат «Ўзбекча» рақсга келади. Бу ўйинни 10 чоғлик бола ўрнига қўйиб бажарди. «Қизлар» рақси ҳам залдагиларга жуда ёқиб тушди.

Тошкентдаги 167-болалар боғчасида 1 Майга бағишланиб ўтказилган эрталик жуда мароқли бўлди.

А. АБДУВАЛИЕВ.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

# ҲОВЛИ ТЎЙЛАРИ

Кўч ортган машиналар янги массивлар томон елади. Теварак атрофда баҳаво, нўпкаватли уйлар. Уларнинг барчаси шаҳримиз меҳнатчилари учун. Кишилар хурсанд, чеҳраларида табассум. Янги квартираларга кўчиб кириб, айвонларидан ҳовлига боришади. Кўкиқ дарахтлар, ариқ бўйларида гуллар. Болаларнинг шўх қичқириқлари эшитилади кулоқ ости.

Байрам арафасида 300 та оила шоҳнинг шодлиги кўшилди. Бу ... ноқонлар Оқтепа, Чилонзор ва «Черемушка» микрорайонларида ... ҳад кўтараётган янги турар-жой биноларини байрам куни ҳамшаҳарларга тортиқ этишди. Яна 400 та янги квартира битай деб қолди. Май ойи ичида улар ҳам фойдаланишга топширилади. Тошкент тўқимачилик комбинати, «Подъёмник» заводи, пойафзал фабрикалари ишчилари ва инженер-техник ходимлари бу шинам квартираларга кўчиб кириб, ҳовли тўйлари ўтказишади.

Бундан ташқари улуг айём арафасида «Текстильщик» кооперативи ҳам ўз аъзоларини хурсанд қилди. 72 квартирали турар-жой бинои фойдаланишга топширилди.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»
4-БЕТ, 1 МАЙ 1964 йил.

# ТЕЛЕВИЗОР ЭКРАНИДА

**1 МАЙДА**

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

8.20—**Мангу порла—Меҳнат, Тинчлик, Май!** (ўзбек ва рус тилларида).

8.45—**1 Май—меҳнаткашлар халқаро бирдамлик куни** (В. И. Ленин номли майдондан парад ва меҳнаткашлар намойиши ҳақида репортаж).

Ўзбек тилида: 15.00—**Баҳор байрами** (болалар учун концерт).

Рус тилида: 16.00—**Мана буни йўлбарс деса бўлади** (болалар учун мультипликацион фильм), 16.10—А. Гайдар. **Порлайверсин** (киноповесть), 16.45—С. Маршак. **Мистер Твистер** (сатирик фильм), 17.00 — **Новости дня** киножурнали, 17.10 —**Цирк саҳнасига йўл** (кинокомедия).

Ўзбек тилида: 18.25 — **Эстрада концерти**, 19.05 — **Россия юлдузлари** (ҳужжатли фильм), 19.55 — **Концерт** («Баҳор» давлат рақс ансамбли ижросида).

Рус тилида: 21.25 — **Фитиль** сатирик киножурналининг 18-сони, 21.35 —**Шингил ҳикоялар** (халқ демократияси мамлакатлари юмористик журналлари саҳифалари асосида телевизион фильм), 22.15 — **Огонёк.**

**2 МАЙДА**

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

11.00 — **Баланд тепалик** (болалар учун мультипликацион фильм), 11.25 —**Пилипко** (кинофильм), 11.45 —**Қийшиқ ойналар короллиги** (фильм-эртак).

Ўзбек тилида: 13.00 — **Концерт** (болалар учун), 13.40 — **Сенинг дўстларинг** (бадиий фильм).

Рус тилида: 16.00 — **Сал бўлмаса балиқ чўқар эмас** (болалар учун фильм-эртак), 16.15 — **Қизил шар** (кинофильм), 16.45 — **Чет эл кинохроникаси**, 16.55 — (Кинокомедия).

Ўзбек тилида: 18.25 — **Баҳор, Май, ёшлик** (ёшлар бали), 19.45 — **Киножурналлар**, 20.05 — **Концерт** (Филармонияси ашула ва рақс ансамбли ижросида).

Рус тилида: 21.35—**Эстрада-рақс концерти**, 22.35—**Икки ном—бир ҳаёт** (ҳужжатли фильм), 22.55—**Рақс, ҳазил ва куйлар.**

**3 МАЙДА**

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 11.00 — **Келинг, кулишайлик** (болалар учун), 11.25 — **Олтин калит** (фильм-эртак).

Рус тилида: 12.40 — **Суварак** (болалар учун мультипликацион фильм), 13.00 — **Қишки дуб** (кинофильм), 13.20 — **Меридианлар учрашган жойда** (ҳужжатли фильм), 13.30 —**Ашула ва рақслар**, 14.05 —**Совет спорти** киножурнали, 14.15 — **Лавсан** (илмий-оммабоп фильм), 14.25 — **Халқ куйчиси** (Булбул **Мамедов** ҳақида), 16.00 — **Қувноқ шаҳарча** (болалар учун кўгирчоқ фильми), 16.15 — **Бу уйчада ким яшайди** (фильм-эртак).

Ўзбек тилида: 16.35 — **Уч плюс икки** (кинокомедия).

18.00 — **Пойтахтимиз меҳмонлари ва Телевизион янгиликлар** (ўзбек ва рус тилларида).

*«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистон Сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси.*

Р. 06599.
ИНДЕКС 64695.
Нашр. № 1745.